



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШ САБАБЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қурбанов Шахриёр Аминбой ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
317-гуруҳ курсанти

Аннотация: *Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини, содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритилган.*

Калит сўзлар: *Қонун, ҳуқуқбузарлик, жиноят, шарт-шароит, сабаб, профилактика, профилактика инспектори, фуқаролар.*

“Бугунги кунда профилактика инспекторларининг асосий вазифаси фақат содир этилган, жиноятларни ҳисобга олиш, уларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омилларни чуқур таҳлил қилиш асосида уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чораларни ўз ҳудудида амалга оширишдан иборат”

Ш.М.МИРЗИЁЕВ.

Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш йўналишида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишишга қаратилган пухта ўйланган, мақсадли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Зеро, *қонун устувор, ҳуқуқ-тартибот мустаҳкам давлатда жамиятнинг барқарор ўсиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли таъминлаш юқори даражада кафолатланади. Шу боис, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган барча ислохатлар – ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин курашиш эмас, балки унинг содир этилишини олдини олиш, яъни профилактика билан шуғулланиш ёки унга йўл қўймаслик принципи асосида хизмат қилишга қаратилган бўлиши лозим.*

Ушбу вазифаларни бажаришда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари алоҳида ўринга эга. Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш уларни сабаб ва шароитларини аниқлаш бўйича катта ҳажмдаги ва кўп қиррали фаолиятни амалга оширувчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам суд-ҳуқуқ тизими билан бир қаторда жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминловчи ички ишлар органлари тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини *аниқлаш соҳасидаги имкониятлари:*



биринчидан, профилактика инспекторлари аҳолини ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни уларнинг яшаш жойларида доимий ва узлуксиз амалга оширишида;

иккинчидан, профилактика инспекторлари муайян шахслар томонидан жиноят содир этишининг асосий сабаби бўлган ҳаётдаги, айниқса ижтимоий-иқтисодий, оила-турмуш соҳасидаги муаммоларни бамаслаҳат ўзаро ҳамкорликда ҳал этишида;

учинчидан, профилактика инспекторлари ҳаётда адашган, жамиятда ўз йўлини топа олмаётган, ёрдамга муҳтож фуқароларга амалий ёрдам кўрсата олишида;

тўртинчидан, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бугунги кунда жамият учун энг хавфли бўлган уюшган жиноий тузилмалар, шу жумладан экстремистик-террористик ташкилотлар аъзолари ҳақида ушбу хизмат орқали етарли маълумотларни ўз вақтида олабилишида;

бешинчидан, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлашда эскича “жиноят содир этилгандан кейин уни содир этган шахсни фoш этиш” усулидан, янгича “ҳаёт тарзи, юриш-туришидан жиноят содир этишга мойил бўлган ёки жиноий фаолият билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, биринчи навбатда уларнинг жиноят содир этишига йўл қўймаслик, агарда улар жиноий фаолият билан шуғулланаётган бўлишса уларни фoш этиш” усулини қўллашга қодирлигида;

олтинчидан, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлашда жамоатчиликнинг бевосита иштирок этишига кенг йўл очиб бераолишида намоён бўлади. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда профилактика инспекторлари муҳим ўрин эгаллайди. Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт шароитларини аниқлаш Ўзбекистонда Қ.Мирзажонов, И.Исмаилов, Н.Т.Исмоилов, И.Ю.Фазилов, Ж.С.Мухторов, М.З.Зиёдуллаев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт шароитларини аниқлаш фаолиятининг назарий, ҳуқуқий ва ташкилий-тактик таъминлаш муаммолари комплекс тарзда тадқиқ этилмаган.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитлари турли-туман ва турли даражададир. Ижтимоий ҳаётда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитлари бошқа ижтимоий муносабатлардан алоҳида мустақил равишда ҳеч қачон мавжуд бўлмайди. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитлари шунчалик мураккабки,



хатто улар рўйхатини тузишнинг ҳам иложи йўқ. Бир хил турдаги, содир қилиш усули бир хил бўлган хатто субъектлари бир хил бўлган, кўплаб жиноий сабаблари айнан бир хил бўлган жиноят дерли учрамайди. Шундай экан, жиноятчиликнинг сабабларини ўрганиш мумкинми деган савол туғилади. Ҳар бир содир этилган жиноятнинг сабабларини ўрганиш ва умумлаштириш орали жиноятчиликнинг сабаблари ўрганилади. Жиноятчиликнинг сабабларини илмий ва амалий билиш учун бу сабаблар таснифланади.

Криминологик адабиётларда таснифлашнинг қуйидаги усулларида кўпроқ фойдаланилади:

- а) амал қилиш даражасига кўра (субординациясига кўра);
- б) жиноятчиликнинг шароит ва сабабларининг мазмунига кўра;
- в) табиатига ва бошқа мезонларига кўра таснифлаш.

Ўзбекистоннинг криминолог олимлари бундай таснифлашни янада аниқроқ қилиб оладилар. Жумладан, профессор И.Исмаилов таснифлашнинг қуйидаги усулини таклиф қиладилар:

1. Умумижтимоий даражадаги сабаб ва шароитлар — жамиятда жиноятчиликнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида объектив қонуний равишда бўлишини тақозо қиладиган (белгилаб берадиган) сабаб ва шароитлар.

2. Гуруҳий даражадаги сабаб ва шароитлар муайян гуруҳга кирувчи жиноят турларининг (вояга етмаганлар жиноятчилиги, рецидив жиноятчилик, ғараз мақсадларда содир этиладиган жиноятчилик ва ҳоказолар) сабаб ва шароитлари.

3. Шахсий даражадаги сабаб ва шароитлар муайян шахсни жиноят содир этишга олиб калган асо сан шахсий субъектив хусусиятга эга бўлган сабаб ва муайян ҳаётий, тасодифий шароитлар.

Бизнинг назаримизда, профессор И.Исмаиловнинг жиноятчиликнинг сабабларини таснифлаш усули назарий жиҳатдан маъқул, амалий жиҳатдан эса қулайдир.

Жиноятчиликнинг сабабларини таснифлашнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти шундаки, жиноятчиликнинг шароит ва сабабларини, умуман жамият миқёсидаги сабаблари нималардан иборат эканлигини, жамиятнинг қайси ижтимоий муносабатларида қандай зиддиятлар ва жараёнлар юз бераётганлигини аниқлаш ва шунга мувофиқ равишда жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш чораларини ишлаб чиқишдан иборат. Айнан жиноятчиликнинг сабабларини ўрганиш ва умумлаштириш орқали жамиятда жиноятчиликни туғдириб турувчи, кишилар хулқига таъсир қилувчи жамият даражасидаги зиддиятлар, йол қўйилган хато ва камчиликлар аниқланади ва ана шу зиддият, хато ва камчиликларни бартараф қилиш чоралари ишлаб чиқилади ва амалда татбиқ этилади.

Ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос индивидуал шароит ва сабаблари бўлиши билан бирга, барча ҳуқуқбузарликларнинг ёки муайян гуруҳдаги жиноятларнинг сабаблари ўртасида боғлиқлик ва умумийлик бўлади. Масалан,



жамиятда ишчи кучи бозоридаги муаммолар, яъни ишсизлик кўрсаткичларининг юқорилиги, жамият аъзолари кўпчилик қисмининг қашшоқлашиши юқорилиги ҳуқуқбузарликнинг кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Муайян туркумдаги ҳуқуқбузарликнинг сабабларини аниқлаш, ана шу гуруҳдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир бўлиш сабабларини белгилаш имконини беради. Жумладан, рецидив жиноятчиликнинг сабаблари уму ман жиноятчиликнинг сабаблари бўлиши билан бирга, адолатли жазо тайинлашда хатога йўл қўйилганлик, жазони ижро этишда маҳкумни тарбиялаш воситалари ва бу воситаларнинг амалда қўлланилишида йўл қўйилган камчиликлар, шахс жазодан озон бўлганидан кейин иш билан таъминланишдаги ва турмушдаги қийинчиликлар ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Алоҳида шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишининг сабабларини ўрганиш орали алоҳида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари аниқланади. Бунда шахснинг қандай қилиб ҳуқуқбузарлик йўлига штиб қолганлиги, унинг ҳуқуқбузарга хос бўлган индивидуал хусусиятлари, унинг жинойий хулқининг шаклланишига таъсир қилган детерминантлар аниқланади ҳамда шахснинг мойиллиги, қизиқишлари, жиноятнинг қайси турини содир этишга мойиллиги аби сифатлари ҳам аниқланади ва шунга мувофиқ равишда индивидуал профилактика чоралари ва жиноят содир қилган шахсга нисбатан қўлланиладиган индивидуал тарбия воситалари ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилади.

Айрим ҳуқуқбузарлар бир хилдаги ҳуқуқбузарликни муттасил содир этадилар. Улар айнан шу турдаги ҳуқуқбузарликнинг муайян шаклини ўзлаштирадилар, масалан, жамоат жойларида юриб чўнтак ўғрилиги содир эдиганлар ва ҳоказолар. Айрим криминолог тадқиқотчиларнинг ёзишларича, чўнтак ўғрилари бир ҳафтада камида уч марта ўғрилик қилмасалар, ўзларида гичўнтак ўғрисига хос бўлган кўникмани (ўғрилик қилиш санъатини) йўқотиб қўяр эканлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – Дарслик: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Т. 2022
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун
3. И.Исмоилов – дарслик.
4. <http://yuridik.norma.uz>.
5. <http://lex.uz>.